




ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСİY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 80 (9.424) 2000 йил 7 июль, жума

Сотувда эркин нархда

Қарор ва ижро ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Бозорлардаги тартиб, арзончилик, мўл-қўлчиликни халқимиз фаровонлигининг омилларидан бири, десак адашмаймиз. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва пойтахт Савдо, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш департаменти-нинг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир бўлган чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг Тошкент шаҳрида бажарилишига бағишланган ахборот воситалари ва журналистлар иштирокида матбуот анжуманининг ўтказилиши ҳам ушбу қарор талаблари қандай бажарилаётганини ҳамкорликда муҳокама қилиш, муаммоларнинг самарали ечимларини биргаликда излаш борасида жуда фойдали тadbирга айланди.

Тадбирни очар экан, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнатов Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори ҳаётиимизда нечоғлиқ муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, шаҳар ҳокимлигида қарор ижросини таъминлаш мақсадида катта мажлис ўтказилиб, амалга оширилиши зарур бўлган тadbирлар мажмуаси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Сўнг Тошкент шаҳар Савдо, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш департаменти раҳбари Солиҳ Муслимов пойтахт бозорларида Вазирлар Маҳкамаси қарорининг бажарилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

— Шаҳримизда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимидаги акциядорлик жамияти мақомидаги 18 та бозор ва уларнинг 68 та шохбчалари мавжуд бўлиб, ҳозирда бозорлар фаолиятини яхшилаш, савдо учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди, — деди жумладан С.Муслимов. — Бу борада кўпгина ижобий тажрибалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, Олчопар буюм бозорида биринчи бўлиб доимий тadbиркорлар учун тажриба тариқасида бир ойлик патта пулини олдиндан тўлаш тартиби жорий этилди. Натижада тушум 12 баробар ошди. Ҳозир Монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда Олчопар бозоридаги барча тушумларни ўргаништириш, паттачилар фаолияти юзасидан мониторинг тadbиротлари ўтказилляпти.

Биринчи августдан бошлаб эса Юнусобод, Миробод бозорлари ва Бектемирдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотувчи улғуржи бозорда сотувчи ва харидорларга янада яхшироқ шарт-шароитлар яратиш мақсадида тажриба тариқасида Давлат стандарти, санитария назорати, Ички ишлар хизмати, Давлат солиқ кўмитаси доимий ходимларини бозорларнинг ўзи танабб олиши жорий этилмоқда.

Шунингдек, акциядорлик сотилишини тартибга солиш ишларига ҳам эътибор қўйилмоқда.

Барча бозор ва шохбчаларнинг раҳбарлари аттестациядан ўтказилляпти. Ҳозир илҳом борица иқтисодий мутахассислигига эга бўлган ишлари бозорлар раҳбарлигига тартиб бўйича ишлар кетаяпти. Шу мақсадда танлов ҳам эълон қилинди.


Аҳолининг катта миқдордаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини арзон нархларда сотиб олишини таъминлаш мақсадида Бектемирдаги Фаргона вилоятдан маҳсулотлар келтириладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотувчи улғуржи бозор сингари Самарқанд ва Сирдарё йўналиши бўйича Сергелида ва Юнусободда улғуржи бозорлар қурилиши келаси йил охирига етказилиши мўлжалланмоқда.

Амалга оширилаётган эътиборга лойиқ ишлардан яна бири шундан иборатки, худди Юнусобод бозорида йўлга қўйилгани каби йил охиригача шаҳримиздаги бошқа барча бозорларда умумий оқватлини маҳсулотларини сотиш бўйича муаммолар ҳал этилади.

Матбуот конференциясида шунингдек «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси раҳбари Мухиддин Аташқов, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси профилактика бошқармасининг бошлиғи Дилмурод Жўрабевлар ҳам шаҳримизда бозорлар ишини такомиллаштириш ва мавжуд камчиликларга барҳам бериш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди, журналистларни қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб қайтаришди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

«ШАНХАЙ БЕШЛИГИ»: ДУШАНБЕ УЧРАШУВИ



5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Шанхай бешлиги» ташкилотининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида иштирок этди. Мазкур анжуманда Ўзбекистон томони кузатувчи мақомида қатнашди.

Узаро чегарадош беш мамлакат — Россия, Хитой, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлган «Шанхай бешлиги»га 1996 йили асос солинган. Уша йил 26 апрель куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида мазкур беш мамлакат раҳбарлари учрашиб, чегарадош ҳудудларда ҳарбий соҳадаги ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги битимга имзо чеккан эди. 1997 йилда Москвада бўлган саммитда эса чегарадош ҳудудларда қуроли кучларни қисқартириш тўғрисидаги битим қабул қилинди. Айни пайтда «Бешлик»нинг фаолият қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверди. 1998 йили Олмаотада, 1999 йили Бишкекда ўтказилган олий даражадаги учрашулар наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, иқтисодий соҳада стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, Буюк Ипак йўлини тиклаш тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилиниши билан яқунланди.

Тожикистон ҳукумати қарорғоҳида Хитой, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтгандан кейин иштирокчи мамлакатлар делегациялари кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Музокараларда асосий эътибор минтақавий хавфсизлик, жумладан, халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, айирмачилик, шунингдек, наркотик моддалар ва қуроли-яроғ контрабандасига қарши

ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Шу билан бирга, давлат раҳбарлари иқтисодий интеграция жараёниларини фаоллаштириш борасида ҳам атирофича фикрлашиб олди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот саммитида иштирок этиши «Бешлик»нинг доирасини кенгайтирибгина қолмай, мавжуд минтақавий муаммолар ечими тўғрисида ҳам самарали бўлишини таъминлайди. Жумладан, «Шанхай бешлиги»га Ўзбекистоннинг қўшилиши муҳим воқеа эканлигини Россия Президенти Владимир Путин ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Россия Президентининг айтишича, минтақадаги муаммоларни Ўзбекистоннинг иштирокисиз ечиб бўлмайди. Саммит қатнашчилари террорчиликка дунёвий хавф сифатида қараётганини ҳисобга олиб, мамлакатимиз раҳбарининг БМТ ҳузурида Халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади.

Музокаралар якунида Душанбе декларацияси қабул қилинди. Саммит қарорига кўра, энди мазкур тузилма «Шанхай форуми» деб аталадиган бўлди.

Саммит иштирокчиларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов «Шанхай форуми»нинг фаолияти фақат чегарадош ҳудудларда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмаётгани, сўнгги вақтлар-

да хавфсизликни таъминлаш борасида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлиб бораётганига эътибор қаратади ҳамда айни шу масалада Ўзбекистон билан ушбу тузилмага бирлашган давлатларнинг қарашлари яқин эканлигини таъкидлади.

И. Каримов, шунингдек, хавфсизликка нисбатан асосий таҳдид Афғонистондан келаётганини қайд этар экан, Ўзбекистон раҳбарияти бу мамлакатда тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳар қандай хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлашни айтиди.

— Ўзбекистон афғон муаммосини ҳал қилиш учун фаол халқаро ва минтақавий саяё-ҳаракатлар тарафдори бўлиб келган, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Биз «Шанхай форуми» мамлакатларининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган инициативаларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, ушбу ташкилот аъзоларининг «6+2» гуруҳи доирасидаги саяё-ҳаракатларга ҳам ҳар томонлама жиҳдий ёндашувдан умид қиламиз. Зеро, бугунги кунда бу гуруҳ мазкур муаммони ечишининг амалий асосга таянган энг самарали воситасидир.

Саммит доирасидаги тadbирлар ниҳоятга етган, куннинг иккинчи ярмида, Президент Ислам Каримов Хитой раҳбари Цзян Цзямин билан учрашди. Сўхбат чоғида мамлакатларимизнинг ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Шу кунги мамлакатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент—Душанбе—Тошкент.
СУРАТДА: саммитдан лавҳа.
Р. Жуманиёзов (ЎЗА) олган сурат.

ЖАҲОНДА

◆ Бишкекда 11 мамлакат қуроли кучлари бош штабларининг бошлиқлари «Центразбат—2000» тинчликпарвар машғулотлари концепциясини муҳокама қилишди.

◆ Алматы шаҳрида ахборот технологиясини соҳаси мутахассислари учун янги ўқув маркази очилди.

◆ Япония ҳукумати Қозғоғистонга 42 миллион доллар ҳажмида қарз берадиган бўлди.

◆ Қирғизистон Президентининг Фармониға биноан мамлакатда миграция жараёнини тартибга солиш ва барқарорлаштириш бўйича идораларо комиссия тузилди.

◆ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов тинчликни ўрнатиш ва ярашув тўғрисидаги Умумий битим имзоланишининг уч йиллиги (ҳужжат Москвада 1997 йилнинг 27 июлида имзоланган) муносабати билан Тожикистон халқини қутлади.

◆ **Эртага** Шимоллий Кореянинг собиқ раҳбари Ким Ир Сен қазо қилган кун. Шу муносабат билан мамлакатда нашр этиладиган «Нодон Синмун» газетасида икки Кореяни айнан ўша марҳум раҳбар васият қилган усулда бирлаштириш керак, деган мазмунда мақола чоп этди.

◆ Чехиянинг Карлово-Вари шаҳрида халқаро кинофестивали очилди.

◆ АҚШда лазер нури билан ҳаракатга келадиган фазовий қурилма ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

◆ АҚШ Президенти Билл Клинтон Исроил Бош вазирини ҳамда Фаластин мухторияти раҳбарига Кэмп-Дэвид қарорғоҳида уч томонлама саммит ўтказишни таклиф қилди.

◆ Югославия парламентида мамлакат конституциясига ўзгартиш киритиш масаласи муҳокама этилмоқда. Бу янгилаштириш президент Слободан Милошевичга икки муддатга энг юқори лавозимга сайланиш ҳуқуқини беради.

◆ Европа Иттифоқиға мансуб мамлакатлар раҳбарлари 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб Грециянинг еврозоначисга қиражағи ҳақидаги қарорни тасдиқладилар.

◆ Хитойда биринчи бор барпо қилинган янги уюшма таркибига олмос қазиб чиқарувчи 15 компания бирлашди. Бу компаниялар олмос бозорининг 90 фоизини назорат қилади.

◆ Жаҳондаги энг йирик «Газпром» (Россия) компанияси газ захираларини қидириш ва улардан фойдаланиш бўйича Хиндистон билан узоқ муддатли шартнома тузди.

◆ Жанубий Кореянинг Чун-Чан шаҳрида таъкидлаб бўйича бутун жаҳон фестивали ўтказилди. 56 мамлакатдан вакиллар иштирок этган ўзига хос бу анжуманда самарқандликлар ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди.

ВАЛЮТА БОЗОРИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Республикаси фуқаролари нақд хорижий валюталарини, яъни АҚШ доллари, немис маркази, япон иенаси, француз франки ва инглиз фунт-стерлинини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Аска» банки ва «Ўзўйжамгармабанк»нинг айирбошлаш шохбчаларидан сотиб олишлари мумкин. Мазкур банкларнинг айирбошлаш шохбчаларида нақд хорижий валюталарини сотиш хорижий валюталарининг кириш визаси қўйилган паспортидан тўла ҳажмида кейинчалик айирбошлаш шохбчалари орқали сотиш учун сарфланади.

Шу билан бирга, қарорда аэропортлар ва божхона чегарасини кесиб ўтиладиган бошқа жойларда, саяёҳлик мажмуалари ва савдо марказларида валюта айирбошлаш шохбчаларини қўйишча равишда очилган йўл билан валюта алмаштириш операцияларини ҳажминини ошириш ва айирбошлаш шохбчалари тармоғини кенгайтириш кўзда тутилган.

Валюта бозорининг эркинлаштирилишига эришиш

учун бозор жараёни билан белгиланган алмаштириш курсини тўғридан-тўғри назорат қилиш шарт эмас. Шу муносабат билан, қарорға мувофиқ, тижорат банкларига хорижий валюта бўлган талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишнинг эркин курсини белгилаш таъин этилган. Айни пайтда айирбошлаш шохбчаларида нақд хорижий валютани хариш қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ваколатли банкларининг айирбошлаш шохбчалари орқали нақд хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда хорижий валюта банкнотларининг ҳақиқийлигига шубҳа қилмасалар ҳам бўлади, чунки ҳар бир айирбошлаш шохбчаси хорижий валютанинг ҳақиқийлигини аниқлаш учун тегишли назорат-ахборот материаллари, детекторлар, терстерлар ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Валюта бозорининг эркинлаштирилишига эришиш

Ушунга эътибор қаратиш лозимки, кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қалбаки хорижий валютани ноқонуний тарзда олиб кириш ва Ўзбекистон фуқароларига сотишга интилиш ҳолатлари кучайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари катта миқдордаги қалбаки хорижий валюталарини сотиш ҳолатларини деярли ҳар кун аниқламоқдалар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ кўмитаси, республика Прокуратураси томонидан бундан буён ҳам республика ҳудудига нақд хорижий валюталарининг ноқонуний муомаласига барҳам бериш, қалбаки банкнотларни аниқлаш, айбдор шахсларни амалдаги қонунийликка мувофиқ жавобгарликка тортиш борасида қатъий чора-тадбирлар қўйилди.

Ушбу мақсадда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Аска» банки ва «Ўзўйжамгармабанк» айир-

бошлаш шохбчалари ходимлари валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қондаларини бидишлари юзасидан аттестациядан ўтказилиб, уларга тегишли гувоҳномалар берилди. Бунда малакали ходимларнинг танлаш ва жой-ойинга қўйиш, айирбошлаш шохбчалари ходимларининг валюта айирбошлаш операцияларини юзасидан маъсулиятини ошириш, шунингдек, уларнинг қалбаки, шубҳали ва сохта банкнотларини фарқлай олишларига эътибор қўйилди.

Мазкур қарорға мувофиқ, Марказий банкда нақд хорижий валюта бозорининг ҳолатини кузатиб борувчи махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳининг асосий вазифалари нақд валюта бозори оборотларини баҳолаш, нақд хорижий валюта тушумининг асосий оқимлари ва уларнинг ишлатилиши йўналишларини аниқлаш, нақд хорижий валюта бозорларидан айирбошлаш курси даражасига таъсир кўрсатувчи асосий омилларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Ушбу қарорға илова қилинган «Айирбошлаш шохбчаси тўғрисида низо» Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ваколатли банкларининг айирбошлаш шохбчалари фаолиятини ташкил этиш ва валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.



КОЛЛЕЖ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

2000 йилда пойтахтимиз Тошкентда давлат бюджети маблағи ҳисобидан 10.334 ўқувчиға мўлжалланган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни фойдаланишга топшириш режаланган. Уларнинг баъзилари фойдаланишга топширилди, кўпчилигида эса қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Улар Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиб, янги ўқув йилидан йигит-қизларни ўз бағрига олиб, уларнинг чуқур билим олишлари ҳамда касб-хунар эгаллашларида катта роль ўйнайди.

Ана шундай қизгин қурилиш ишлари олиб борилаётган объектлардан бири Шайхзода кўчасида қад ростлаётган миллий хунармандчилик коллежидир. Илгариги 7-хунар мактаби ўрнига қайта таъмирланиб қурилаётган бу бинода бунёдкорларнинг саяёҳаракатлари боис қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишлари тез ва соз давом этмоқда. Барча қулайликларга эга бўладиган ушбу бинода бош пудратчи — «1-ўйсозлик комбинати» акционерлик жамиятининг 26-қурилиш бошқармаси қурувчилари меҳнат қилишмоқда.

— Бу қурилишда 3 та бригадга бўлинган 80 нафардан ортиқ бунёдкор ишламоқда, — дейди ишбоши Ҳасан Аҳмедов. — Зиммамизда фойдаланишга топширилган коллежнинг шинам ва кўркам синф хоналарида 500 ўқувчи билим олиб, хунар ўрганадилар.

ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Айниқса, 1-пардозлаш ишлари бошқармаси, 1-механизация бошқармаси ишчи-хизматчилари ҳар бир юмушни сидқидилдан адо этишмоқда. Мақсадимиз эса Улуғ айём — республикамиз Мустақиллигининг қутлуг 9 йиллигини ўз сўзимизнинг устидан чиқиб қутиб олишдир. Шарафли қурувчилик касбини эътиборга, ҳамкасбларига ўрнатилган Нигмат Мансуров, Усмон Имомов, Тоҳир Бурмубоев, Қайом Шерқуевларнинг номларини алоҳида кўрсатиш лозим. Улар ҳар бир ишни ҳамжиҳатликда бажаришиб, замонавий коллеж биносининг тез ва соз қад ростлашига муносиб улуш қўшишмоқда. Бу бинони бунёд этаётган қурувчиларнинг ғайрати шундан далолат берадики, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилган коллежнинг шинам ва кўркам синф хоналарида 500 ўқувчи билим олиб, хунар ўрганадилар.

Наргиза ОРИПОВА, СУРАТДА: ишбоши Ҳасан Аҳмедов (ўртада) бригадир Нигмат Мансуров ҳамда тикловчи Усмон Имомов билан навбатдаги иш режасини муҳокама қилмоқда.



Серкўб ўлкамизда айтишчилик, ноз-неъматлар, сабзавот ва мевалар тарқатилган палла. Катта кичик бу неъматларни севиб истеъмол қилади. Зеро бу даврда аҳоли ўртада ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари ҳам кўпайиб учрайди. Шу муносабат билан ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, асосий омиллари, ундан сақланиш чоралари ҳусусида давлат санитария назорат эпидемиология марказининг санитар врач Убайдулла САЛИМСОҚОВ бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ушбу касаллик келиб чиқишининг асосий омилларидан бири — мева ва сабзавотларни тазалаб юмасдан истеъмол қилишдир. Бу касаллик ошқозон, ичак шиллиқ қаватларининг микробларнинг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бу касалликлар асосан тозаланик ривожланган кишиларда кўп учрайди. Беморлар шахсий гигиена қоидаларига амал қилмай, атрофдагиларга ҳам юктирадилар. Шунинг учун бу касалликлар «ифлос қўл касалликлари» деб ҳам аталади.

Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг ўқув турларидан бири — салмонеллездир. Салмонеллез йилнинг ҳар фаслида учрайди, ёз ойларида айниқса кўпайди, чунки бу даврда касаллик кўзгатувчи микробларнинг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

Ёш авлодни жисмонан бақувват, соғлом, маънавий бой, ахлоқан етук, билимли қилиб тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шайхонтоҳур туманида жойлашган 342-болалар боғчаси ҳам мана 20 йилдирки ҳажжи кичкинтойларга меҳр улашиб, уларнинг ҳар томонлама қамол топишига қўшган ҳисса қўшган.

Бугун болажонларнинг сеvimли масканлари бўлган боғча ҳар кунгидан ўзгача байрамона безатилади. Бугун уларнинг сеvimли — спорт байрамлари.

Озода ва шинам, гулу раҳонларга бурканган, беғубор болажоннинг шўх-шодон кул-гуллари янграб турган бу маскан беихтиёр киши диққатини ўзига тортади.

— Ўтаётган йилимизни Соғлом авлод йили деб номлашни зиммамизга катта масъулиятни юклайди, — дейди биз билан суҳбатда боғча муди-раси Дилдора Саидбекова. — Фарзандларимизнинг ҳар

томонлама қамол топиши, илмли ва билимдон, соғлом бўлиб вояга етишлари учун боғчамизда барча шароитлар яратилган. Бугун йил давомида: инглиз тили, лотин тили ўрганиш, қараз, рақс, спорт тугараклари болажонларимиз иштирокида. Ёш мавсумида эса сув ҳавзамиздан болажонларимизнинг шўх-шодон қийқириқлари аримайди. Уларнинг саломатликлари эса меҳрибон шифокор Мухаббат Мусаева, ширинсуз ҳамшира Маҳмуд Аскархўжаевлар назорат қилиб турилади, туманлар-аро ўткази-лаётган эстафета мусобақа-

ларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдамиз. Мана бугун навбатдаги «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақаси ўтказиладди. Болаларнинг қувончини, уларнинг галабага бўлган иштишларини кўриб беихтиёр ота-оналар ҳам фарзандлари шодлигига шерик бўлмоқдалар. Боғчамиз 140 нафар кичкинтойни бағрига олган. Бу йил тайёров гуруҳимиздан 32 та болани мактабга кузатдик. Боғчамизда малакали ва билимли болаларни жон-дилдан сеvuчи Гулнора Нигмонова, Шари-фа Абдукаримов, Шохис-



та Қорабоева каби тарбия-чи мураббийлар хизмат қилишади. Улар боғчамиз-да тарбияланаётган ҳар бир ўғил-қизнинг ўз миллий қадриятларимиз ва аъёна-ларимизга садоқатли, ки-тобга, хунарга ёшлиқдан меҳр-муҳаббатли бўлиш-лари учун жон куйдирадилар. Боғчамизда ҳайвонот боғи бурчаги ташкил қилган-

миз. У ердаги барча жон-ворларни болажонлар боғ-ча опалари бошчилигида меҳр билан парвариш қилишлар.

Шоира МУХАМЕДОВА, СУРАТЛАРДА: 342-боғ-ча фаолиятдан лавҳа-лар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Қадриятларимиз

МУЗЕЙ ХАЗИНАЛАРИ ЮЗ ОЧМОҚДА

Маълумки, бу азиз маконда яшаган аجدодларимиз умумжа-хон цивилизациясини ривожлан-тиришга, уни бойитишга хизмат қилган, илғор гоиларни юзага келтирувчи, сакловчи ва дунёга тарқатувчилик родини ўйнаб кел-ганлар.

Аждодларимиз яратган моддий-маданият ёдгорликлари кўпайиб кел-ганлар. Бугунги кунда музейларнинг кўпайиши, илғор гоиларни юзага келтирувчи, сакловчи ва дунёга тарқатувчилик родини ўйнаб кел-ганлар.

Бугунги кунда Республикамиз музей-лари хазинасида 1 миллион 600 минг-дан ортиқ экспонатлар сақланиб кел-ган. Бу экспонатларнинг ҳаммаси-ни ҳам музейга келувчи томошабин-ларга намойиш этишнинг имконияти йўқ албатта. Буларнинг фақат 5-10 фо-изигина музей экспозицияларида на-мойиш этилиб келинмоқда. Қолган қисми эса, музей хазиналарида сақ-ланмоқда.

Республика «Ўзбекмузеи» жамгарма-си ташаббуси ва моддий қўллаб-қув-ватлаш натижасида Республикамизда-ги энг кеска музейлардан ҳисобланган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ха-зинасида бир асрдан ортиқ давр ичи-да йилгил, сақланиб келаётган коллек-цияларнинг энг йиғини ҳисобланган кулолчилик маҳсулотлари ва металл буюмларини ўзидан акс эттирган нодир

буюмларнинг коллекциясининг икки қисман, 30 табоқдан иборат бўлган каталогини нашр эттирди.

Каталог бир гуруҳ музей илмий хо-димларининг (Қ. Иноятов, Н. Соди-қова, К. Турсуналиев, Л. Левтева) кўп йиллик илмий изланишлари натижа-сида тайёрланган.

Каталогнинг «XVIII - XX асрларда кулолчилик» кириш қисмида Ўзбеки-стонда кулолчилик хунармандчилиги-нинг қадимда тараққий қилган ҳудуд-лари, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган. Кулол-чилик хунармандчилигида ишлатилган иш қуроллари, сопол буюмлар ас-лини, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган. Кулол-чилик хунармандчилигида ишлатилган иш қуроллари, сопол буюмлар ас-лини, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган. Кулол-чилик хунармандчилигида ишлатилган иш қуроллари, сопол буюмлар ас-лини, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган.

Каталогнинг «XVIII - XX асрларда кулолчилик» кириш қисмида Ўзбеки-стонда кулолчилик хунармандчилиги-нинг қадимда тараққий қилган ҳудуд-лари, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган. Кулол-чилик хунармандчилигида ишлатилган иш қуроллари, сопол буюмлар ас-лини, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган.

Каталогнинг «XVIII - XX асрларда кулолчилик» кириш қисмида Ўзбеки-стонда кулолчилик хунармандчилиги-нинг қадимда тараққий қилган ҳудуд-лари, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган. Кулол-чилик хунармандчилигида ишлатилган иш қуроллари, сопол буюмлар ас-лини, уларнинг ўзига хос характери томонлари кўрсатиб ўтилган.

жойлашиши, сақланиш ҳолати, тайёр-лаш усули, тайёрланган вақти, агар маълум бўлса ясаган устанинг номи, музейга қабул қилинган вақти ва қайси ташкилот ёки шахсан олинган тўғри-сида маълумот берилган.

Каталог тазувичилар ҳар бир предмет-ни каталогга киритишдан олдин унинг тарихини тўлиқ ўрганиб чиққанлар. Бу эса ўта катта меҳнат талаб қилувчи иш-дир. Каталогда Ўзбекистон ҳудудида ясалган сопол буюмлар билан бир қаторда 20-30 йилларда йиғилган Тожи-кистоннинг турли ҳудудларидан Ўрате-па, Ҳўжанд, Қонибодом, тоғли Тожи-кистон каби кулолчилик ривожланган ҳудудларидан йиғилган сопол буюмлар ҳам киритилган. Каталогда 95 та сопол буюмларнинг расми ва рўйхати берил-ган. Каталогнинг энг қимматли томон-ларидан бири кулолчиликда ишлатил-ган сопол сўзлар ва нақш безакларининг номи лугати берилган.

Каталогнинг иккинчи қисмини таш-кил қилувчи металл буюмлар ҳам юқоридagi тартибда жойлаштирилган бўлиб, фарқи шундаки, бу ерда экспо-натлар ишлатилиш тартибига қараб бе-рилган — уй-рўзгор буюмлари, қурилиш ва архитектурада ишлатилган металл иш қуроллари, деҳқончиликда ишлати-ладиган иш қуроллари, чорвачилик ва паррандачилик, хунарманд усталари-нинг иш қуроллари тартибда. Каталог охирида Ўзбекистонга аввалги вақтда чет республикалардан йиғиб келинган ме-таллдан ясалган рўзгор буюмлари ки-ритилган. Шунингдек, 52 та предмет рас-ми ва рўйхати берилган. Каталогда ме-таллсозлик, хунармандчиликда ишлати-ладиган сўзларнинг лугати илова қилин-ган.

Каталогнинг асосий қиймати ва аҳамияти шундаки, ўзбек санъатининг, моддий маданияти ёдгорликлари билан қизқувчи, шу соҳа бўйича илмий иш олиб боровчилар, музей ходимлари учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

НОЗИМ ҲАБИБУЛЛАЕВ, «Ўзбекмузеи» жамгармаси раси-си, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори, тарих фанлари номзо-ди.

Саломатлик

ОЗОДАЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

Бундай ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига олиб келиши билан, унинг ҳар хил турлари бор: ичбурғ, ич терлама, салмонеллез, овқатдан захарланиш, вабо хасталиқларидир.

(Давоми. Боши газетанинг 35,38,44,47,50,53,59-сонларида)

Хотам танҳо йўлга тушди. Жидду жадлар айлаб то олтун дарёсига етди, кўрдиким, бир улуг дарёвуд, ул тарафини кўриб бўлмади. Боз саждага бош қўйиб Оллох таолога муножот айлаб, йўл тилади. Сажадин бошини кўтариб кўрдиким, дарё лабида бир суфра монанд нимарса чарх уриб турбдур. Унга узини олди. Худони ёд айлаб ўтирди. Уч сурат учар қўшдек учиб борур эрди. Алқисса, саломатлик соҳилига чиқди, ул сурат гойиб бўлди. Оллох таолога шукрлар айлаб, ханду са- ноларни тилига жорий этиб борур эрди. Яна бир бибони кумистонга етди. Ул кушлар оф- тобининг тобидан хушдондек қизир эрди. Хотамга ташналик гойиб бўлиб, мадори ке- тиб, беҳуд бўлиб йиқилди, ҳазрат парвардигорни иноят биран ул икки мардлар- ки ул чашмадин чиқиб Хотамни йўлга солиб эрди- лар яна пайдо бўлдилар. Хотамнинг бошини тизалари- га олиб, соя айлаб турди- лар, Хотам хушига келди. Улар Хотамни очлик ва таш- наликдин фориғ қилдилар ва дедиларким, бу ҳароратлар дарёни оташдандур, ғам емагил деб, бир муҳра бер- дилар. Энди ўт сента таъ- сир айлмагай. Ўт дарёси- дин ўтгандин сўнгра дарё лабига ё бирор ерга муҳра- ни қўйиб кетгач, бўлмаса фойдасидин зиёни кўп бўлғай деб, яна гойиб бўлдилар. Хотам худого шукрлар қилиб йўлга тушди. Ул муҳ- рани озгига солиб борур эрди.

Алқисса ўт дарёсига етди, бодқим ола- ни ўт олибдур, мавжлари хаддин зиёдадур. Бошини кушларга суртиб Оллох таолодин омонлик йўлини тилаб, нолалар айлаб бо- шини кўтарди. Оташ дарёсини лабиди бир гўмбаз намо ёки бир чодирдек нимарса пай- до бўлиб, Хотам оллох деб савора бўлди. Ул худди кемадек суръат билан борур эрди. Дам- бадам мавжлар ва таажжуб тўфон овозлари зоҳир бўлур эрди. Неча кеча-кундузлар мун- доқ дарёни оташ-ичра қолди, асло ул тарафи маълум бўлмади. Хотам яна бошини саждага қўйиб қозилхотот даргоҳидан омонлик ти- лар эрди. Ул гўмбаз намо чарх уришга тур- ди. Хотам кўзини юмиб дедиким, энди гарки оташ бўлдим. Ул гўмбаз ўтга шўнғиб кетди. Хотам беҳуш эрди, замондин сўнгра ўзига келиб кўзини очди, на ул дарёни оташдин асар бордур ва на ул гўмбаз намодин хабар. Ул ерда нафасини ростлаб, Оллох таолога санолар айтиб, ул муҳрани ўшал жойга қўйиб йўлга тушди. Бир-икки кундин сўнг бир жойга етдиким, ул ерлар кўзига ошно кўринур эрди, дархайрат бўлиб борур эрди, бир деҳқон кўш хайдаб юриб эрди. Ани олдиға бориб салом

айлади, деҳқон жавоби саломдин сўнгра тез- тез боқар эрди. Хотам дедиким манда нима кўрдингиз тез-тез қарарсиз? Деҳқон дедиким, бир шаҳзодамиз бор эрди. Хотам деган, мун- да билар бўлди худони йўлига кетган эрди. Мен сизни ўшал шаҳзодамизга ўхшатурман, анинг учун тез-тез боқарман деди. Хотам йи- лаб дедиким мен ўшал саргашта Хотамдур- ман, дега, деҳқон ўзини Хотам оёғига таш- лади. Алқисса, икковлари танишиб ўтирдилар. Деҳқон нон, қатик биран сўни Хотам- ни олдиға қўйиб меҳмон айледи. Хотам отаси шўхи Тай ахволидин сўраб, ул деҳқонга ўз ахволидин шўхи Тайга бир ариза битиб деҳ- қонга берди. Яна неча жаҳоирот ва неча лаъл поралардин инъом айлаб дедиким, бул мунча дунё сенга басдур, баҳоси биран сотгил

зода саройга келиб ором олдилар. Бул кеча ҳам ўтди, эрта биран доя яна бир сипар на- қида биран устида бир хат келтириб берди. Доя видолашиб маликани хизматига кетди. Хотам ул хатни олиб мутлоа айлаб мазмуни- дин хабар топиб кўрдиким, бул бир жура бай- тини иншо айлабдур:

Олти булур саво атқам,
Хабари Бовғирд ҳаммаи.

Яна битибдурким эй икки саромади

Яни эй шаҳзода Хўтам сизга олтинчи ар- зимиз шўлки, ул беш саволимизга жавоби бо- савоб бўлди. Энди олтинчи саволимизни ҳам жустужу (қидириса) айлаласалар шўяқди бу саволимизни маъини зухура келса. Ул ҳаммом бодигард қайси тарафадур ва қайси одам бино айлабдур, ҳаммом бодигард от қўймоқчи са- баби нимадур? Мундоғ мух- мухушлик ҳаммом айламоқ- ни боиси нечүк эркан? Номта тамом вассалом.

Энди Хотамни сайру сав- хати олтинчисидин эшитинг. Алқисса Хотам малика Хўсния бонунинг номаси ҳўқим биран шаҳзода Мунирни худого топшириб, видолашиб, бибон йўлини олди. Неча кунлар йўлларни кезиб бо- рур эрди, дилида ҳазрат зул- лажалолдин омонлиг тилаб нолалар айлар эрди. Бир кун биран жойга етдиким, бир жамоат одамлар халқа уриб оҳ-нолалар қилурлар, қора либослар кийибдурлар. Хотам келиб биринди ахволи сўради, ул дедиким шаҳзодамиз де- вона бўлиб бул чоғга ўзини ташлади, неча кунлардурким ўлиғидин ёки тиригидин асло хабар йўқ. Бул одамлар шаҳзодамизни ота- оналаридур ва қариндошларидурларки мундоғ оҳу нола айларлар деди. Хотам бу сўзларни эшитиб ҳамияти жўш урди, ўзига дедиким, ав- вало бу сўзни эшитмасанг кўб эрди, энди ҳа- бардор бўлдин бу асрордин деб, ул шох ол- диға бориб илтимос қилдиким, ушбу чоғга ту- шиб шаҳзода хабарини мен олиб чиқай деди. Шох хўрсанд бўлиб Хотамнинг белига аркон бойлаб ул чоғга солдилар. Хотамнинг оёғи ерга етди, белидин арқонни ечиб юбор- ди, кўрдиким бўстондур, сувлар жорийдур, хар ранг гуллар очилибдур. Пешгоҳда бир қас- ри зарринкор айвони кайвон мисол барподур. Фаррошлар ҳаммаси атлас ва дубодадур. Хар жойда даста-даста, гуруҳ-гуруҳ паризодлар хиз- матдадурлар. Ҳаммадин юқорида икки тахт му- рассавор қўюбдурлар. Бирди бир соҳибқа- мол йигит тақя айлаб ўлтирибдур, яна бирида бир зебо паризод санам, ороу қалам моҳва- ши, сиймитани барқ уриб ўлтирибдур, базм суҳбатлари авжидур.

Тўғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

(Давоми бор).

Донишмандлар ҳазинасидан

ҲОТАМНИНГ БЕШИНЧИ САФАРИ

ганий бўлурсан, менинг дуо ва саломини ва арзимни отам шўхи Тайга еткурғил деб, деҳ- қон биран видолашиб Хўснобод йўлига ра- вона бўлди. Деҳқон Хотамни аризасини шўхи Тайга етқуриб берди. Шўхи Тай дилшод бўлиб деҳқонга инъомлар бериб ўз даҳасига (қи- лоғига) улғу қилиб тайинлади. Ул жаҳоирот- ларни сотиб қатта тавоғларга (савдогар) қато- ридан жой олди. Шўхи Тай ҳам номайи Хотам- дин оғоҳ бўлиб, маликаи Зарринхўшага ха- бар берди. Ҳаммалари шод хўррам бўлдилар. Алқисса, Хотам яна бир неча кунлар бибон- ларни кезиб, қадамни Хўснобод саройига ет- қуриб, шаҳзода Мунирни хўжрасига қўйди. Шаҳзода биран қўчқолашиб кўришиб ўти- риб ором олдилар. Бул кеча ҳам ўтди. Эрта биран малика Хўсния бону эшитиб дояни юборди. Доя саройга бориб шаҳзодадан хўж- расига кириб Хотам биран маликани тили- дан сўрашиб маликани меҳмонхонасига тақ- лиф айлаб кетди.

Доянинг орқасидин Хотам биран шаҳзода икковлашиб маликанинг меҳмонхонасига бор- дилар. Пуристлар биран доя то ул қўнчага зиёрат қилдилар. Хотам Кўш ичидинг дар- тарини дояга берди, доя маликага кирғизиб берди. Малика Хотамни кўрганларини кўриб аҳсан ва офаринлар айтиб, бир сипар нақди- нани доя биран чиқарди. Хотам биран шах-

либослар кийибдурлар. Хотам келиб биринди ахволи сўради, ул дедиким шаҳзодамиз де- вона бўлиб бул чоғга ўзини ташлади, неча кунлардурким ўлиғидин ёки тиригидин асло хабар йўқ. Бул одамлар шаҳзодамизни ота- оналаридур ва қариндошларидурларки мундоғ оҳу нола айларлар деди. Хотам бу сўзларни эшитиб ҳамияти жўш урди, ўзига дедиким, ав- вало бу сўзни эшитмасанг кўб эрди, энди ҳа- бардор бўлдин бу асрордин деб, ул шох ол- диға бориб илтимос қилдиким, ушбу чоғга ту- шиб шаҳзода хабарини мен олиб чиқай деди. Шох хўрсанд бўлиб Хотамнинг белига аркон бойлаб ул чоғга солдилар. Хотамнинг оёғи ерга етди, белидин арқонни ечиб юбор- ди, кўрдиким бўстондур, сувлар жорийдур, хар ранг гуллар очилибдур. Пешгоҳда бир қас- ри зарринкор айвони кайвон мисол барподур. Фаррошлар ҳаммаси атлас ва дубодадур. Хар жойда даста-даста, гуруҳ-гуруҳ паризодлар хиз- матдадурлар. Ҳаммадин юқорида икки тахт му- рассавор қўюбдурлар. Бирди бир соҳибқа- мол йигит тақя айлаб ўлтирибдур, яна бирида бир зебо паризод санам, ороу қалам моҳва- ши, сиймитани барқ уриб ўлтирибдур, базм суҳбатлари авжидур.

Тўғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

(Давоми бор).

8 июль — шанба (Ойнинг 7/8 кун).

Бугунги кун анча мураккаб, адашишлар ва алданушлар кун. Ой сайёрасининг таъсири инсонлар учун салбий бўлади. Кунни хотир- жам вазиятда ўтказиб, уни ишга бағишлаган- нингиз маъқул. Эхтиросларга эрк берманг. Кўзгада ўзингизга қарама-қаршилик интилин- г. Нохуш хабар олишингиз мумкин. Қандайдир муҳим муаммолар ечимини топишга инти- сангиз, унинг хато бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Оқвотдан ҳамда спиртли ичимликлардан заҳарланиш хавфи бор. Асабийлик ҳолатла- ри зурайиш мумкин. Стоматолог ҳузурига боришдан ўзингизни тийганингиз маъқул. Танани хиллардан тозаловчи муолажалар ҳамда шифо мақсадида рўза тутиш тавсия этилади. Оқир таом ва спиртли ичимликлар- дан ўзингизни тортинг.

Тонг саҳарга ақин кўрган тушларингиз ўғиндан келади. Гулларни озиклантириш учун бу кун қулай ҳисобланади.

9 июль — якшанба (Ойнинг 8/9 кун).

Шанбадан шанбагача: мунажжам тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН

Шу кеча-кундуздаги ой сайёрасининг инсонга таъсири гоят салбий бўлади. Турли хилдаги адашишлар ва алдовлардан ўзингизни эҳти- ёт қилишга интилинг. Ҳамингил ва оғир ке- чинимларга берилманг — улар тезда ўтиб кетди. Бутун кеча-кундуз давомида кўзгада ўзингизга қараш тавсия этилмайди.

Нафас қисилишидан азият чекувчилар ай- никса эҳтиёт бўлишлари керак. Оқвот-қад- дан заҳарланиш эҳтимоли бор. Спиртли ичи- мликлардан узоқроқ бўлганингиз яхши. Ал- лергик реакциялар ҳужж қилади. Нафас йўллари хасталиклари зурайиши эҳтимол. Айниқса қорин бўшлиғидея жарроҳлик опе- рациялари тавсия этилмайди.

Тушларингиз пуч бўлади.

10 июль — душанба (ойнинг 9-10 кун). Ойнинг шу кеча-кундуздаги таъсири табиат билан гоят ўйғун бўлади. Бу — жуда оқойишта кун. Музикани баланд қилиб қўйиш, қандайдир салбий эхтиросларни на- моён қилиш, атрофдагилар гашига тегуш мумкин эмас. Атрофдагиларни ўраб турган ўй- гуниликни бузиш бундай ишга қўл урган одам учун ҳалокатли бўлишини унутманг. Рўзаор ишлари билан, айниқса хоналарни тозалаш — поклаш билан шуғулланиш фойдали.

Саломатлигингиз бироз ёмонлашиши мум- кин. Юрагингизни зўрқитиридан ишлар билан шуғулланманг. Инфаркт, қон босимининг ошиб кетиш хавфи бор. Спиртли ичимлик- ларни суиистеъмол қилиш ярамайди. Кун- нинг биринчи ярмида заҳарланишлар хавфи маъжуд бўлади.

Тушларингиз ёрқин, ҳамоманг бўлади. Улар сизни тинчлантиради, асабларингизни қўшатади ҳамда баъзан турли оғирлардан ҳалос қилади.

11 июль — сешанба (Ойнинг 10/11 кун). Куннинг энергетика қудрати гоят қўч бўлиб, эҳтиёткорликни талаб қилади. Шу кунни бушангликка йўл қўйиш тавсия этил- майди. Лекин жиддийроқ ҳеч нарсга билан шуғулланмаганингиз маъқул. Хар қандай ишда хотиржам ва эҳтиёткор бўлинг. Бу кун- ни яқинларингизга кўпроқ ғамхўрлик билан ўтказганингиз маъқул.

Бўғимларни, асаб тизими хасталикларини даволаш тавсия этилади. Юрак хасталиги би- лан оғирган одамлар эҳтиёт бўлиб, таваскул қилмаганингиз маъқул. Ўзингизни эркин- қор қўйиб, ҳушёр таомларни тановул қила- веринг — бугун парҳез тутишининг ўнчадир ҳажати йўқ. Спиртли ичимликлардан тий- ланг. Барча жиддий тиббий муолажаларни ва жарроҳлик операцияларини бошқа кунга

ясидадан тийилиб турганингиз маъқул. Ошқ- озон яллиғланишидан азият чекувчилар учун кун бирмунча нохуш келади. Бўғим- лар, неврология ва асабий-руҳий хаста- ликларни даволаш тавсия этилади. Рўхий терапевтик муолажалар яхши самара бера- ди. Бугун кўпроқ шифобахш тегилар дар- дингизга дармон бўлади.

Тушларингиз башоратли бўлади. Уларга ишоншингиз мумкин. Тушнингизга нималар кўрсан, эртани кечми албатта ўғиндан кела- ди.

13 июль — пайшанба (Ойнинг 12/13 кун). Кун тўғуларни ривожлантириш ҳамда сирли олам билан боғлиқ турли би- лимларни олиш учун қулай келади. Уму- ман куннинг ахборот-энергетика таркиби бир текис бўлса ҳам уни ҳолироқ ўтказга- нингиз маъқул.

Қон айланиш аъзолари ва лимфатик бе- лар хасталиклари ҳужж қилиши мумкин. Терингиз заифлашди шунинг учун жид- дий косметик муолажалардан ўзингизни тийишга ҳаракат қилинг. Ичак ва ошқозон ичак йўлларидаги жарроҳлик операцияла- рининг яхши ўтиши қўйлади. Турли хил нафас олиш машқлари фойдали кечади.

Тушларингиз ёрқин ва ҳақиқатга ақин ту- юлса-да пуч бўлади.

Богдан зарарқунданлар ва касаллик- ларга қарши кураш учун қулай кун. 14 июль кунни ҳам шу хилдаги тадбирлар фойдали бўлади.


14 июль — жума (Ойнинг 13/14 кун). Хар қандай муҳим иш учун бу кун қулай келади. Қайси ишга қўл урсангиз му- ваффақиятли бўлади. Тушуниб бўлмайдиган юрак сиқилиши, беҳаловатлик безовта қилиши мумкин. Бу нохуш эхтиросларни дарҳол ҳаёлингиздан қувиб чиқаринг. Ақс ҳолда улар узоқ вақтга сизни безовта қилиши мумкин. Агар ҳаёлингиздан қуту- лолмасангиз, оғир жисмоний ишлар билан шуғулланг — шунда ҳаммаси исиз ўтиб кетади.

Тери хасталикларини даволаш, косметик муолажалар тавсия этилади. Оқват ҳазм қилиш тизими заифлашди. Аллергик ре- акциялар ҳужж қилиши, ошқозон-ичак йўллари иши бўлишини эҳтимол. Парҳезга алоҳида эҳтиёт қилинг. Кимёвий дори- ларни имкон қадар истеъмол қилмасликка ин- тилинг.

Тушларингиз ҳазин бўлиши мумкин, ле- кин улар аҳамиятга молик бирон нарсадан хабар бермайди.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА



Азиз оқшомдон! Изоҳлари баён этилган сўзлар шаклда «занжир» ва кесилган ҳолда ёзилди.

1. Кувучи уста. 2. Бокс майдон. 3. Шекспирнинг «Отелло» трагедияси қаҳра- мон. 4. Ҳаётий далиллар- нинг муқтасар баёнидан иборат муъжаз асар. 5. Бағри ва тўғуларидан атир-ула сано- атида ментол олингандаги тоғ тегизи. 6. «Ғапон» парранда. 7. Қаттиқ жинсга ўйиб ишла- надиган миллий нақш тури. 8. Кўча қисми. 9. Зотли чоп- қир от. 10. Алишер Навоий достонидидаги Махжуннинг асл исми. 11. Асад ва Мезон ора- лиғидаги жойлашган бурж. 12. Жўғрофиядан ўқув қуро- ли. 13. Қамишимон бугим- ли, қўл ўсимлиги. 14. Ҳунар- мандчилик кенг тарққий эт- ган Фарғона водийсидидаги ша- ҳар. 15. Марказий осийёлик қадимий ватанларар аёл са- рорати ҳақидаги афсона. 16. Сўз туркуми. 17. Осийишта- лик, тараққиёт асоси. 18. Бу- тундан кичик микдор. 19. Пойтахти — Бухарест. 20. Чўллик тегизи. 21. Жиноятчи- ни аниқлашдаги фаолият. 22. Қон томири. 23. Уммонлар.

Муаммонома

Очқиз сўзлар: 1. Мумтоз ғазалнавис шоир Машраб ғазали билан «Утган кўнлар- фильмида ижро этилган ашу- ла — 3, 7, 4, 1, 7. 2. Ассосан спорт анжон ва либослари ишлаб чиқариши билан дунёга танилган фир- ма — 1, 12, 2, 12, 1, 13. 3. Ёқилги тури — 5, 1, 9. 4. Инсоннинг ўйлаш, фикр юритиш жараёни — 10, 1, 11, 6. 5. Парранда ошени — 2, 8.

Энди очқиз сўзлари асо- сийда шакл атрофидида рақам- ларни ҳарфлар билан алмаш- тириб муаммонома «хал э- тинг. Уларни йўналиш кўрсаткичи бўйича ўқиш би- лан мутафаккир шоир Мир Алишер Навоий меросига мансуб ҳикматни билиб ола- сиз.

Тузувчи

Ҳозиржон ОРИПОВ.

Газетанинг 30 июнь сонидея берилган

бошқотирманинг жавоблари:

Белгиланган хонадан соат мили йўналиши бўйича рақам атрофи: 1. Маргилон. 2. Марғиёна. 3. Мандарин. 4. Мантисса. 5. Молекула. 6. Метроном. 7. Мембрана. 8. Мухаррам. 9. Маслаҳат. 10. Мавлонов. 11. Мувашшах. 12. Мушқодад.

Муаммонома

Очқиз сўзлар: 1. «Бўстон». 2. Ғазли. 3. Дон. Ҳикмат: Асли тозанинг насли тоза бўлади.

Биласизми?

низмга ортиқча тушса туз ал- машинуининг бузилишига олиб келиши мумкин. Аммо кечқурун ухлаб олдидан бир пиёла қаттиқ ичинини одат қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Раъно ЖҲАЕВА.



Ҳаёт сабоқлари

НОДОН ЭР ВА ҚАНОАТЛИ ХОТИН

Ҳанифа опа қопқоннинг тақиллаган овозини эшитиб борса, қумуш рангли си- чқон типирчилаб, чийиллаб ётган экан. У кўзни қамаштирадиган даражада ранги тоза бўлиб, фарқи олдий сичқонлардан катта экан. Ҳанифа опа шундай ажойиб сичқонни мушукка беришни лозим топ- май силаб-сыйлаб қўйиб юборди. Бир неча кунлардан кейин қумуш рангли сичқон Ҳанифа опанинг рўпарасида пайдо бўлиб: — Эй олий зот! Мен сичқонлар салтана- тининг подшосиман. Сизнинг яхшилигин- гизни эсдан чиқармаман. Нимани сўра- сангиз дарҳол бажо келтиришга қодир- ман — дебди.

— Раҳмат, менга ҳеч нарсга керак эмас. Оллоҳга минг шукр, бир кунимиз ўтиб турибди. Сен ўзинга эҳтиёт бўлиб қопқ- онга ақинлашма. Хўв анови бурчакка нон ва бошқа овқатларни қўяман, овқатла- ниб кетавер.

— Сиз ниҳоятда қамтар ва ҳалол аёл экансиз. Мендан ахволингизни яширмай сўзланг. Кейинги кунларда менга маълум бўлишича, эрингиз Йўлчибой ақанинг ишлари юришмай анча ночор ахволга ту- шибди. Бундан аввал шаҳардаги энг йи- рик савдогарлардан бири экан.

— Тўғри айтасан, эрим ўзининг ёмон феъли орқасидан душманларни қўпайти- риб мол-мулкидан айрилди. Ҳозирда қўрт, сақич ва бошқа майда-чуйда нарсаларни сотиш билан шуғулланиб юрибди.

— Хўш, шундай бўлгандан кейин нима учун мендан фойдаланишни истамайсиз. Қамтарлиқнинг чегараси борлигини ҳисобга олдинг, нимани сўрасангиз ўшани амалга ошираман.

— Хўп майли, эримни ишларини юри- шиб кетишига ёрдам берсанг хурсанд бўларим.

— Бу бошқа гап. Бугун ярим кечада Йўлчибой ақа шаҳарнинг биқинидаги ар- чазорнинг ўртасида жойлашган теракнинг тагини қазисин. Бу ердан тилла тўдир- ланган хумчани олиб савдогарчиликни бошлаб юборсин. Бу сирни эрингизга ту- шимада аён бўлди, деб айтдинг. Мени ти- лингизга ҳам олманг.

Ҳанифа опа эрини ўша жойга юбор- ганда иккита тилла солинган хумча чи- қибди.

Йўлчибой ақа ўзида йўқ хурсанд бўлиб, ҳаяжонланиб қайтибди. Тушингдан айла- най, деб хотинининг қўл ва оёқларидан ўпибди. Хатто, хотинини елкасига зўрлаб миндириб ўй ичида айлантирибди. У эрта тонгда туриб ҳовлига сув сеипиб, овқат- ларни тайёрлаб хотинини уйғотибди. Бун- дай муносабатлардан ҳайратланган ва ҳижолат тортган Ҳанифа опа нима дей- ишни билмабди. Хуллас, эрталабки но- нушта шоду хурамқаб билан ўтгандан сўнг Йўлчибой ақа бозорга йўл олибди.

Савдо дўконлари қўриқибди, чет эл мам- лакатларига қаровонлар уюштирибди. Унинг бойлигига бойлик қўшилиб энг йи- рик савдогарга айланибди. Аммо уни бой- лик қутуртириб, маишатбозликка бери- либ кетибди. Дангиллама уй қўриб би- рин-кетин иккита қизга уйланибди. Ҳани- фа опадан эса хабар олмай унутиб юбо- рибди.

Ҳанифа опа эрининг вафосизлигидан қўйиб-ёнибди, лекин сир бой бермай юра-

верибди. Кўп ўтмай сичқон келиб, опа- жон соғлигингиз анча ёмонлашибди. Бу- нинг сабаби борми? Айтинг чорасини қўра- ман, дебди.

— Энди ўриқ билан олма бўларимди, ёшим улғайган сари мазам қочаётганга ўхшайди, — деб эрининг айбини яшириб- ди.

— Биламан эрингизга шунчалик садо- қатлисизки, унинг қилмишлари орқасидан соғлигингиз ёмонлашганини бекитасиз. Аммо мен эрингизнинг уйига бориб кўп нарсаларни билиб қазабим қўзиди. Унинг кўзига иккита хотинини шайтон қиёфаси- да кўрсатганимда ҳушидан кетиб, ўзини ерга ташлаб юборди. Ҳозир даргага чали- ниб ётибди.

Шу заҳотиёқ Ҳанифа опани титроқ бо- сиб: — Эримни тузатишининг илтимос қиламан, кўз ўнгимда тирик юрса ба. Ахир у биринчи ва охири эрим ва фарзандла- римнинг отаси, — дебди.

— Сизга ўхшаган ҳар қандай шароитда эрига вафодор аёлини қўрмаганман. Сиз ба- ри кенг, саҳий ва пок кимсасиз. Йўлчибой ақа сизни унутган бўлса ҳам соғ-саломат юрсин дейсиз-а.

— Мени ота-онам ҳеч кимга ёмонлик қилма ва дилига озор берма, деб тарбия- лаган.

— Хўп майли, сизнингча Йўлчибой ақа- га нисбатан қандай чорани қўлашним ке- рак? Мен уни ололда ёндиришим ёки икки оёғини шол қилишим мумкин.

— Эрим сен айтган жазога лойиқ киши, лекин бунни истамайман. Илтимосим шўки, уни соғайтириб ҳузуримга келтир. У инсофди ва ҳушмуомала бўлиб, мен ва фарзандларимга муҳаббат билан қарасин.

— Тушундим, ишни сиз айтгандек ало- этман. Эрингиз уч кундан кейин бу ерга келтирилиб оёғингизни тағига ташланади. Сўнгра у айбларини бўйнига олиб сизга ялинади, ёлворади ва уэр сўрайди. Уни шу равишда бир кеча-кундуз бошини этган ва тиззада

